

Мустақиллик йилларида мева-сабзавотчилик соҳасининг ривожланиш суръатлари (Фарғона вилояти мисолида)

Хикоят Мусакуловна Исраилова

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат университети Олмалик филиали

Аннотация: Мазкур мақолада пандемия шароитида Фарғона вилояти қишлоқ хўжалигидаги, хусусан, мева-сабзавотчилик соҳасидаги иқтисодий ўзгаришлар, Фарғона вилояти аҳолиси учун муносиб турмуш, меҳнат шароитларини яратиш, ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, камбағаллар ва ишсизлар билан ишлаш, ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш энг устувор вазифа эканлиги тўғрисида маълумотлар берилган. Мавзунини ёритишда амалга оширилаётган ўзгаришлар статистик рақамлар билан келтирилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, макроиқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, мулк, мулк муносабатлари, мева-сабзавотчилик

Rate of development of the fruit and vegetable sector in the years of independence (example of Fergana region)

Hikoyat Musakulovna Israilova

Almalik branch of Islam Karimov Tashkent State University

Abstract: In this article, economic changes in the agriculture of Fergana region, in particular in the field of fruit and vegetables, creating decent living and working conditions for the residents of Fergana region, ensuring social protection, working with the poor and unemployed, and ensuring the employment of young people and women are the highest priority in this article. information is given that it is a task. Changes in coverage of the topic are presented with statistical numbers.

Keywords: economy, macroeconomics, agricultural economy, property, property relations, fruit and vegetable farming

Республикадаги аграр ислохотлар биринчи навбатда қишлоқ хўжалигида мулк шаклининг ўзгартирилиши билан боғлиқ бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони¹ Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармонлари.

стратегияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланган.² Шу билан бирга Президентимиз Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида "...камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу - қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин оширишдир. ... Бунда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилади. Бунинг учун қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозим.... Аввало, фермер ва деҳқонларнинг ердан манфаатдорлигини ошириш керак. Манфаатдорлик ва адолат бўлган жойда, албатта, ўзгариш ва ўсиш бўлади. Бу борада ердан фойдаланиш ҳуқуқларини кафолатлаш ва ерларни бозор активларига айлантириш масаласини кўриб чиқиш вақти келди"³ деб алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ҳозирги қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига талабни тўлароқ қондириши ва бу соҳадаги таъминотни тубдан яхшилаб жаҳон андозаларига тенглаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистоннинг аграр соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишини таъминлашда рақобат муҳитини шакллантириш орқали уларни рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот етиштиришда талаб ва таклиф мувозанатига эришиш, ички ва ташқи бозорда самарали фаолият юритувчи механизмларни кенг кўламда жорий қилиниши долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг асосий моҳияти қуйидагиларда акс этади:

- қишлоқда мулкий муносабатларни такомиллаштириш асосида ер участкаси, маҳсулот ва мулкнинг ҳақиқий эгаларини шакллантириш;
- фермер хўжаликлари ва аҳолига хизмат кўрсатувчи тизим – ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилма субъектларини шакллантириш ва ривожлантириш;
- шартнома муносабатларини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатдорлигини таъминлаш ва жавобгарлигини кучайтириш;
- саноатни хом ашёга, аҳолини эса республикамизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини барқарор таъминлаш.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5853-сонли Фармонлари.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 25 январь – <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

Шу ўринда айтиш жоизки, пандемия шароитида мева-сабзавотчилик соҳасида иқтисодий-статистик таҳлил ялпи ҳосилнинг ўзгаришини аниқлашни ҳисоблашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳисобот йилида етиштирилган ялпи ҳосил миқдорини базис йилидаги (ёки шартнома режаси) ялпи ҳосил миқдорига таққослаб, ўзгариши (кўпайганлиги ёки камайганлиги) ҳисоблаб чиқиш мумкин. Сўнгра ушбу ўзгаришнинг сабаблари аниқланиб, мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш аҳволига илмий баҳо бериш мумкин. Таъкидланганидек, бугунги кунда бутун дунё ҳамжамиятини ҳавотирга солиб, ривожланган давлатларнинг ҳам иқтисодиётига жиддий зарба бераётган коронавирус пандемияси барча даражадаги раҳбарларнинг масъулияти ва жавобгарлигини янада оширишни талаб этмоқда. Йил оғир келган бўлсада, иқтисодиётни мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ишлари тизимли олиб борилмоқда. 3,8 миллион нафар аҳолига эга бўлган Фарғона вилояти аҳолиси учун муносиб турмуш, меҳнат шароитларини яратиш, ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, камбағаллар ва ишсизлар билан ишлаш, ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш энг устувор вазифадир. Қайд этилганидек, вилоятда 2020 йилнинг 9 ой якуни билан деярли барча соҳаларда иқтисодий ўсишга эришилди. Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 101,4 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 100,4 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 103,1 фоизга, қурилиш ишлари 100,4 фоизга ўсди.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йил якунлари бўйича макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози барча йўналишлар бўйича ортиғи билан бажарилиши кутилмоқда. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 37,4 триллион сўмга етиб, ўсиш кўрсаткичи 102,2 фоизни ташкил этади⁴.

Мамлакатимизда инқирозга қарши курашиш бўйича ўз вақтида қабул қилинган Фармон ва қарорлар пандемия даврида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш билан биргаликда тадбиркорликни ривожлантириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, вилоятда фаолият кўрсатаётган 20 мингдан ортиқ тадбиркорларга қарийб 400 миллиард сўм солиқ имтиёзлари берилганлиги, 7,2 мингта тадбиркорларнинг 1,3 триллион сўм кредит қарздорлиги 6 ой муддатга узайтирилганлиги тадбиркор ва ишлаб чиқарувчилар учун жуда катта кўмак бўлди. Жорий йилнинг ўтган даврда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 12 минг 271 та субъектга қарийб 5 триллион сўм кредитлар ажратиб берилди. Шундан, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қарийб 7 мингта субъектларга хомашё ва айланма маблағлар учун 1,7 триллион сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

⁴ Фарғона қилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Аҳолининг бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий дастурлар доирасида жорий йил бошидан вилоятда 19 минг 63 та оилага 513 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар натижасида пандемия даврида вилоятдаги 51 та йирик корхона фаолияти узлуксиз давом этди, вақтинчалик ўз фаолиятини тўхтатган 1 минг 720 та саноат корхонаси ҳамда 3 минг 173 та кичик бизнес субъекти фаолиятини қайта тиклашга эришилди. Бугунги кунда вилоятда тадбиркорлик ривожини учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Шаҳар ва туманларда, вилоят марказида тадбиркорлар уйи ташкил этилди. Фарғона вилоятида инвестиция дастурига мувофиқ, жорий йилда қиймати 7 триллион сўм бўлган 737 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 20 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Ўтган давр мобайнида 4,1 триллион сўмлик 552 та лойиҳа ишга туширилди. Жумладан биргина “Қўқон” эркин иқтисодий зонасида 41 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши натижасида 1,3 триллион сўмлик ёки 136,4 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Бунинг натижасида ушбу лойиҳалар ҳисобига 2 минг 500 дан ортиқ иш ўринлари яратилди. Шу билан бирга, мазкур корханалар томонидан 25,5 миллион долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилди.

Шунингдек, 44 та янги хорижий сармоя иштирокидаги қўшма корхона ўз фаолиятини бошлади. 423,4 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилиши кутилмоқда. Мазкур дастур доирасида Қўштепа туманидаги “Global textile solutions” МЧЖ томонидан пахта тозалаш ва пахтани қайта ишлаш, Қува туманидаги “Yingtai International Rent Service” МЧЖ томонидан интенсив боғ ва музлатгичли омборхона, Фарғона туманидаги “ЕКОКЕРАМА” МЧЖда сантехник буюмлар ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида мева-сабзавотчилик тармоғида ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш бевосита ушбу тармоқ тараққиётини тизимли тарзда комплекс амалга ошириш услубиёт ва усуллариини такомиллаштириш билан бевосита боғлиқдир. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнгги даврда мева-сабзавотчилик тармоғида бозор муносабатларини жорий этиш борасида босқичма-босқич иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, сўнгги йиллар давомида мева-сабзавотчилик тармоғида юз бераётган ўзгаришлар асосан қуйидагилардан иборат ҳисобланади:

- мева-сабзавотчиликни ривожлантиришни аграр иқтисодиётни модернизациялашнинг устувор йўналишлардан бири сифатида тан олиниши;

- мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга ажратилаётган ерларнинг кенгайиб бораётганлиги;

- мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришда илғор технологияларни жорий этиш кўламининг ортиб бораётгани;

- мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш борасида йирик давлат дастурларининг амалга оширилаётгани ва ҳоказо.

Бугунги кунда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга республикамізда давлат тамонидан алоҳида эътибор берилиб, мева-сабзавотчилик тармоғидаги иқтисодий муносабатларга давлатнинг ўрни сезилиб турмоқда. Бозор муносабатлари шаклланиши шароитида мева-сабзавотчилик тармоғидаги иқтисодий муносабатларнинг маркази ва унинг ҳаракатлантирувчи кучи асосини деҳқон ва фермер хўжаликлари эгаллайди. Бундан хулоса қиладиган бўлсак, мева-сабзавотчилик тармоғининг бозор шароитидаги барқарор ривожланиши, мева-сабзавот етиштирувчи деҳқоннинг манфаатини тўлиқ ҳисобга олиш бевосита боғлиқдир. Чунки барча шароитлар тенглиги шароитида, етиштирилган мевасабзавот миқдори, сифат кўрсаткичлари, таннархи, нарх шаклланиши омиллари (истеъмол хусусиятлари), натижада жамият учун келтирилган фойда миқдори айнан дастлабки бўғин ҳисобланган маҳсулот етиштириш жараёнида шаклланади. Хом-ашёнинг сифатли қайта ишланиши оралиқ маҳсулотлар ва шунингдек тайёр маҳсулот сифатида ҳам аксини топади. Янги технологиялар жорий этилиши ҳисобига тайёр маҳсулотларни сифатини, истеъмол хусусиятлари ўзгартириш мумкин, аммо, биогенетик жараёнлар маҳсули бўлган, етиштирилган мева-сабзавот сифатини яхшилаш мумкин эмас. Республикамізда сўнгги йилларда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг сифатини оширишда, жаҳон бозори истеъмолчиларнинг талабларига мослашиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мева-сабзавотчилик тармоғидаги иқтисодий муносабатларнинг қанчалик бозор иқтисодиёти талабларига мос холда ташкил этилиши даражаси, мева-сабзавотчилик соҳаси иқтисодий ривожланиши ва маҳсулот етиштириш иқтисодий самарадорлиги даражасини белгилаб беради. Бозор шароитида мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати ортиши энг аввало етиштирилаётган маҳсулотларга бозор талабининг мавжудлиги билан белгиланади. Шунингдек, маҳсулотнинг сифати, етиштиришга сарф қилинган ресурслар миқдори бозоридаги талаб ҳажми ўзгаришига туртки беради. Шу боисдан ҳам мева-сабзавотчилик хўжаликларида мева-сабзавот навларининг тезпишарлиги, ҳосилдорлиги, истеъмол сифати юқори бўлган ҳар бир ҳудуднинг табиий-иқлим шароитларига мос келадиган ички ва ташқи бозор талабига жавоб бера оладиган навларини илмий асосланган жойлаштириш зарурати тобора ортиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳаси иқтисодиётини эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнида тармоқларни

ривожлантириш мутаносиблигига эришиш, мамлакат ички бозорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини мустақкам ривожлантириш, қишлоқ хўжаликлари маҳсулотларининг экспортини кучайтириш, пировард натижада мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлайди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотлар давр талабларига мос равишда амалга оширилиб, унинг асосий мақсади - мамлакат ички бозори (аҳолининг истеъмол озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат корхоналари учун эса хомашё маҳсулотлари) ва жаҳон бозори талаблари (хомашё ва тайёр маҳсулот сифатида) асосида етиштирилишига қаратилмоқда. Бу тадбирлар мамлакат раҳбарияти ва ҳукумати томонидан қабул қилинаётган тадбирлар орқали иқтисодий қўллаб-қувватланиб, тегишли дастурлар ва чора-тадбирлар аниқ мақсадли ва тизимли бўлишига эришилмоқда. Шу билан бирга, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш, истеъмол ҳажми ва турларини кенгайтиришнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Аммо мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозорида хилма-хил умумий иқтисодий манфаатлар ва алоқаларнинг аксарияти мақбул тартибга солилмаган. Шу боис, юқорида қайд этилган омиллар мева-сабзавотчилик ва узумчилик қуйи мажмуасида инновацион ва замонавий технологияларни жорий қилиш, диверсификациялашни кучайтиришни тақозо этади.

Бизнингча, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мева-сабзавот соҳасини ривожлантириш билан бирга аграр секторда моддий-техника ресурслари бозорини ривожлантиришнинг объектив зарурлиги қуйидагилар билан белгиланади:

- Биринчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан саноат маҳсулотлари нархлари номуносивблиги хўжаликларнинг молиявий фаолиятига салбий таъсир қилмоқда. Бундан ташқари, айрим турдаги моддий ресурслар четдан олиб келиниши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг юқори бўлишига сабаб бўлмоқда. Моддий ресурслар бозорида ҳақиқий талаб ва таклифнинг вужудга келиши уларнинг арзонлашувида муҳим омил бўлади.

- Иккинчидан, асосий моддий-техника ресурслари билан таъминловчи корхоналар ўзларининг монопол ҳолатини сақлаб қолмоқдалар. Шу боис, уларга турдош ва тенг кучли бўлган тармоқларни ташкил этиш зарур.

- Учинчидан, ҳозирги моддий-техника ресурсларига бўлган эҳтиёжни ўз вақтида ва сифатли қондиришга интилувчи фермерларга лизинг, ипотека муносабатларини такомиллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гренберг А.Г. Основы региональной экономики. Учебник. 4-е изд.-Б.М.: Издательский дом ГУ ВШЭ, 2004.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги ПФ-3709- сонли “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.
4. Ишмухамедов А.Э. ва б. Минтақавий иқтисодиёт.-Т.: ТДИУ, 2007.-359 б.
5. Ильина З.М., Мировицкая И.В., “Рынки сельскохозяйственного сырья и продовольствия”, Минск. БГЭУ. 2001.
6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги расмий сайти: <http://www.fgro.uz>.
7. Базарова, С. Д., Байчаев, Ф. Х., & Манглиева, Ж. Х. (2018). Организация учебного процесса на основе интеграции обучения с производством. Вопросы науки и образования, (11 (23)), 38-39.
8. Мамадалиева, Н. А., & Суяров, Х. У. (2023). Кончилик саноатида янги технологияни жорий этиш ва унинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўли. Science and Education, 4(5), 789-795.
9. Mamadaliyeva, N. A. MACROECONOMIC IMPORTANCE USE AND CONSUMPTION OF PHOSPHATE FERTILIZERS. GWALIOR MANAGEMENT ACADEMY, 9.
10. Turdimovich, A. T., & Khasanovich, S. M. (2023). The study of air pollution at the present stage. Eurasian Journal of Engineering and Technology, 17, 71-75.
11. Sarikulov, M. K. (2023). Problems of Shortage of Drinking Water at the Present Stage. Web of Synergy: International Interdisciplinary Research Journal, 2(4), 873-880.
12. Сариккулов, М. Х., & Рискулов, Х. А. (2022). НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ РАСПРОСТРАНЕНИЯ РАДИАЦИИ И ЕГО ВЛИЯНИЕ НА ЗДОРОВЬЕ НАСЕЛЕНИЯ. Universum: технические науки, (2-1 (95)), 20-23.
13. Адиллов, Т. Т., Сариккулов, М. Х., Матқобилов, А. К., & Шохрух, Д. Ў. М. (2022). Роль воспитания в формировании личности. Science and Education, 3(6), 572-580.
14. Каримкулов, К. М., Узаков, И. Э., & Сариккулов, М. Х. (2022). Роль химического состава пищевых продуктов в специальности химия товаров. Science and Education, 3(12), 309-314.
15. Uzoqqov, I. E., & Yusupov, B. B. O. G. L. (2023). Yong'oq yetishtirishda yetakchi mamlakatlarda zararkunandalarga qarshi kurashish chora tadbirlari. Science and Education, 4(5), 274-282.